

## ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ИШИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МЕТОД ВА ВОСИТАЛАР

**Шадиев Зафардин Искандарович**  
Жиззах Политехника институти ассистенти

**Аннотация:** Ушбу мақолада ёшларни касбга йўналтириш ишида қўлланиладиган метод ва воситалар хусусида фикрлар билдирилиб, шунингдек уни ҳал қилишнинг усуллари кенг ёритилиб берилган.

**Калит сўзлар:** таълим, тарбия, маънавия, маърифат, лаёкот, қобилият, фикр, мулохоза.

**Шадиев Зафардин Искандарович**  
ассистент Джизакского Политехнического института

**Аннотация:** В данной статье представлены идеи о методах и инструментах, используемых для ориентации молодежи в профессии, а также пути ее решения.

**Ключевые слова:** образование, воспитание, духовность, просвещение, способность, способность, мысль, рефлексия.

**Shadiyev Zafardin Iskandarovich**  
senior techers Jizzakh politexnika institute

**Annotation:** This article provides ideas on the methods and tools used to guide young people to the profession, as well as ways to solve it.

**Keywords:** education, upbringing, spirituality, enlightenment, ability, ability, thought, reflection.

Педагогикада касбга йўналтиришнинг асосий воситаларидан бири бу ёшларни касбга йўналтириш анъанасидир. Касбга йўналтириш анъанаси ҳам икки хил усулда амалга оширилган:

- 1) Ота-онадан мерос ўтувчи касб-хунар анъанаси.
- 2) Устоз-шогирдлик анъанаси.

Ўзбекларда азалдан аксарият ҳолларда касб-хунар ота-онадан фарзандларга мерос ўтган. Нафақат, оилалар, балки ҳатто маҳаллалар ҳам бирорта касб-хунарга ихтисослашган.

Шунинг учун ҳам бирор оила ҳақида гап кетса: «Ҳа, анови холвачиларми, ёки тиллочиларми?», - деб сўрашган. Бунинг маъноси шуки, касб-хунар оиладан оилага, катталардан фарзандларга мерос

сифатида ўтган. Касб-ҳунар бўйича оилавий сулолалар пайдо бўлган.

Бу анъананинг яхши томонини шундаки, болалар кўз очиб меҳнат муҳитида тарбияланишади, шу касбга кўзи сингади, кўникма ҳосил қилади. Масалан, Муқимий новвойлик билан, Фурқат савдо билан, Аваз Ўтар сартарошлик билан, Мунис ва Огаҳий мироблик билан шуғулланади. Бунда ҳам ота болаларига ўз касбига хос хусусиятларни болаликдан шакллантиришга, ўз касби сирларини жуда ёшлигидан ўргатиб боришга ҳаракат қилади.

Улуғ бобомиз Амир Темур ўз болаларига ва невараларига устоз танлаб, билим, ҳунар, чавандозлик, қиличбозлик, мерганлик, кураш, жанг сирларини ўргатишдан ташқари уларни бир-икки ёшдан бошлаб бувилари тарбиясига берар экан. Чунки уз онаси ҳар канча оқила, қаттиққўл бўлмасин, боласига ортик меҳр кўрсатади. Натижада бола эрка, меҳрибон, кўнгилчан бўлиб ўсади. Бундай хислатли болалар ҳокимиятни узок бошқарол-майдилар. Чунки подшолик қаттиққўлликни, вазият талаб қилганда, маълум маънода, шафқатсиз ҳам бўлишни талаб этади. Мақсад эса – бўлғуси ҳукмдорни тарбиялаш бўлган.

Хуллас, бу каби мисолларни халқимиз тарихидан кўплаб келтириш мумкин.

Халқ педагогикасида касбга йўналтиришнинг иккинчи усули - бу устоз-шогирдлик анъанасидир.

Қадимдан то яқин ўтмишгача бўлган даврда устоз-шогирдлик анъанасига кўра устоз шогирдликка қабул қилишдан олдин уни турли синовлардан ўтказган.

Ёки Абу Али ибн Синонинг шогирд танлашдаги синови ҳақидаги бир ривоят билан танишайлик: Абу Али ибн Синонинг қўлида таълим олиш, унга шогирд бўлиш катта шараф бўлган. Кунлардан бир куни икки ота - бири бой, бири камбағал, ўз ўғилларини ибн Синога шогирдликка бермоқчи бўлишади. «Эй, улуғ табиб, ҳузурингизга болаларимизни келтирдик. Тарбиянгизга олиб, шогирдликка қабул қилсангиз. Зора, сизга ўхшаб табиб бўлиб етишсалар», - дейишади. Ибн Сино уларни синаб кўриб, шогирдликка олишга розилик билдиради. Ибн Синонинг бир одати бор эди. Ким унга шогирд тушмоқчи бўлса, олдин синовдан ўтказар, сунг табиблик илмини ўргатар экан. «Болаларим, - деди у келган йигитларга қараб: тоғу тошлар кезинг, чўли биёбонларни орананглар, ҳар бирингиз минг донадан ўт-гиёҳ териб келинглар». Ибн Сино шундай дейди-да, уларнинг ҳар бирининг қўлига ҳалта беради. Орадан бир неча кун ўтади. Болаларнинг биринчиси келиб, йиққан гиёҳларини ибн Синонинг олдига тўқади. Ҳаммаси шифобахш гиёҳлар. Буни кўрган ибн Сино қувониб

сўрайди: «Баракалло, ўғлим, энг доривор гиёҳларни терибсан, энди бир саволимга жавоб берсанг. қани, айтчи, оёқ қаваришига нима даво бўлади?»

Менинг табибликдан хабарим йўқ», - дейди бола. «Сизга энди шогирд тушдим-ку?». Ибн Сино: «Шу ун кун орасида табобат ичида юриб, табибликдан алифни ўрганмабсанми, сендан табиб эмас, олибсотар чиқади», - дейди кўнглида, сўнг овозини чиқариб: «Сенга жавоб, ўғлим, кетавер! Бориб олибсотарга шогирд бўл!» - дейди.

Орадан бир кун ўтгач, камбағал кишининг ўғли етиб келади, тўплаган гиёҳларини ҳақимнинг оёғи тагига тўқади. Ибн Сино жуда хурсанд бўлиб: «Баракалло, бўтам, қани менга айтчи, оёқ қаварганига нима даво бўлади?» - деб сўрайди. «Ёввойи райҳон ёхуд ялпизни сувда ивитиб, озгина ош тузидан кўшиб ювиш керак; - жавоб қилади бола. «Чўлу биёбонда қолдингку, сув топа олмадинг дейлик, чанқоқни нима билан босиш мумкин?» - яна саволга тутади ибн Сино болани. «Янтоқнинг суви чанқоқни қондиради» ҳам дармон бўлади», - дадил жавоб беради бола. «Раҳмат, ўғлим, сен энди менга шогирдгина эмас, фарзанд ҳам бўлдинг», - дейди ибн Сино мамнун бўлиб.

Устоз-шогирдлик анъанаси ҳақида гап кетганда, Беруний ва унинг шогирд танлаш усули ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Беруний ўзининг «Ҳиндистон» китобининг еттинчи бобида шундай бир ҳикояни баён қилади: «Устоз шогирдлари билан қоронғи кечада йўл босиб борар экан. Улар йўл бўйида тик турган бир каротинга дуч келадидар. Устоз шогирдларидан унинг нима эканлигини айтишни талаб этади.

Шогирдлардан бири билмайман деб, иккинчиси билмайман ва билишга қудратим етмайди, деб жавоб беради. Учинчиси тонг ёришса, маълум бўлади дейди.

Беруний уч шогирдининг аҳволини, қобилиятини уларнинг жавобларидан билиб олади: олимга биринчи шогирдининг илмсизлиги, иккинчисининг билимсиз ва ялқовлиги, учинчисининг ишни кейинга суриши, илмсиз бўлса ҳам маърифатга интилиши маълум бўлади. Шу туфайли Беруний учинчи шогирднинг жавобини маъқуллайди.

Халқимиз орасида азалдан ҳар бир устознинг шогирд танлаш синовлари ҳар хил бўлган. Масалан, бир машҳур танбурчига шогирдликка бола олиб келишса, у боланинг қўлига бир чўп ёки ўхлокни тутқазар экан. Агар бола чўпни ерга суқса – боғбон, чўпни от қилиб минса - чавандоз, чўпни қаричлаб ўлчаса - сотувчи, чўпни танбур қилиб чалса - тамбурчи бўлар экан. Устоз ана шу охириги болани шогирдликка олар экан.

Ёки бир ривоятга кўра, бой хизматкор танлашда, хизматкорларнинг

хаммасини йиғиб, олдиларига овқат кўяр экан ва ўзи иккинчи қаватдан, тепадан (уларга кўринмай) уларни кузатар экан. Ким тез, шошиб, кўп овқат еса, ўшани хизматкорликка олиб қолар экан. Яхши шогирд фарзанддан аъло дейди халқимиз. Дарҳақиқат, бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Улуғбекнинг ўғли Абдулатиф отасининг умрига завол бўлди. Лекин сеvimли шогирди Али Қушчи унинг номини Европага, Европа орқали бутун дунёга машхур қилди.

Бу мисоллар халқимизнинг шогирд танлашдаги ўзига хос усулларидан, донолиги, зукколиги ва топқирлигидан далолат беради. Халқимиз шогирд танлашда қайси бир усулни танламасин, мақсад битта - унинг меҳнатга мунособати, яъни меҳнатсеварлиги ва касбга лаёқати, қобилияти, интилишини асосий мезон қилиб олган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Гаппаров Б.Н. ва бошқалар. “Халқ педагогикаси”. “Тафаккур” нашриёти. - Т: 2009. 211-214 бетлар.
2. “Ўзбек педагогикаси тарихи”, проф. А.Зуннунов таҳрири остида, Тошкент-1997 йил, 27-бет.
3. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. Тошкент – 1996 йил, 180-бет.
4. Боймуродова Ч.Ў. “Педагогикамизда халқ меҳнатининг шакли, усули ва мазмуни”. Андижон машинасозлик институти илмий-оммабоб журнали. Андижон шаҳри. 2-сон.
5. Боймуродова Ч.Ў. “Шахсни камолга етказиш ва ҳаётга тайёрлашда меҳнат тарбиясининг ахамияти”. “Педагогик таълим кластери: муаммо ва ечимлар” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Чирчиқ шаҳри. 25-26 июнь 2021 йил. 516-518 бетлар.
6. Б.Н.Гаппаров “НамДУ илмий ахборотномаси” журнали. Наманган. 2021 йил, 6-сон, 501-504 бетлар.